



## ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА БОШҚАРУВНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

Саидов Жасурбек Сатимбаевич

Тошкент шаҳар ИИББ Ташкилий бошқарма бошлиғининг  
ўринбосари, подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10438878>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 27<sup>th</sup> December 2023

Online: 28<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

Сўнгги йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар давомида алоҳида эътибор ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш, аҳолига яқиндан хизмат кўрсатишни таъминлаш, замонавий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда куч ва воситаларни оқилона бошқаришга қаратилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ички ишлар органлари тизимини ислоҳ этиш бўйича 10 та устувор йўналиш<sup>1</sup> белгилаб берилди.

Хусусан:

- ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;
- замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;
- халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама қўмаклашиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмийлик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда



ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

– ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш;

– вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

– ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

– ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

– ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш.

Мазкур йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ички ишлар органлари тизими тубдан такомиллаштирилиб, марказий аппаратдаги шахсий таркибнинг 85 фоизи бевосита аҳоли яшаш пунктларига, қуйи тизимларга туширилди<sup>2</sup>.

Шунингдек, тизимдаги барча таркибий ва ҳудудий бўлинмалар, жумладан, профилактика, жиноят қидирув, тергов, йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари, эксперт-криминалистика ва паспорт бўлинмалари мутлақо янгича мезонлар асосида қайта шакллантирилди.

Амалга оширилган ислоҳотлар давомида янгича қиёфада шаклланган ички ишлар органларининг мураккаб тизими фаолиятини кунлик бошқариш ва бошқарув яхлитлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарувнинг назарий тушунчаси – назарийчи олим Питер Ф.Друкер айтганидек, “Бошқарув алоҳида фаолият тури бўлиб, ташкил этилмаган бетартиб оммани, бир мақсадга йўналтирилган самарали ва унумли гуруҳга, жамиятга айлантирадиган, ижтимоий ўзгаришларни рағбатлантирувчи элемент ҳисобланади”<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табриги, 24.10.2020 й. / <https://president.uz/uz/lists/view/3913>

<sup>3</sup> Д.С.Қосимова, А.А.Собиров Бошқариш назарияси асослари. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т: ТДИУ, 2011. 10-б.



Бошқарув унинг таркибий тузилиши, яъни бошқарув бўғинлари (битта ёки бир қанча вазифаларни бажарувчи мустақил бўлинма) ва бошқарувчи (бошқариш даражасидаги бўғинлар) орқали амалга оширилади.

Бошқача айтганда, муайян бир ташкилотни бошқариш вазифаси унинг таркибига кирувчи алоҳида тузилманинг зиммасига юклатилган.

Ўз навбатида, бошқарув – қарор қабул қилиш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва рағбатлантириш каби функциялар орқали яхлит тизим сифатида намоён бўлади.

Мазкур талаблардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ички ишлар органларида бошқарув қандай ташкил этилганлигини кўриб чиқамиз.

Тарихга назар ташласак, ички ишлар органлари тизимида бошқарув фаолият илк бор 1918 йил 7 октябрда Милиция бош бошқармаси таркибида инспекторлик бўлими кўринишида ташкил этилган<sup>4</sup>.

1961 йилда мазкур бўлим Ташкилий-инспекторлик бошқармаси, сўнгра Штаб (1972 йилдан) деб номланган.

Унинг асосий вазифалари сифатида ахборот фаолиятини ташкил этиш, криминоген вазиятни таҳлил қилиш, вазирлик раҳбарияти иштирокидаги тадбирларни ташкилий таъминлаш, режалаштириш ва назорат қилиш, ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ички ишлар вазирлиги таркибида ҳам Штаб фаолият юритади ва унинг таркибига Ташкилий-инспекторлик бошқармаси, Ҳуқуқий таъминлаш бўлими, 2-махсус бўлим ҳамда Ташкилий-штат бўлими киради<sup>5</sup>. Бунда, бошқарувнинг асосий функциялари Ташкилий-инспекторлик бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бошқарув фаолиятини такомиллаштириш заруратидан келиб чиққан ҳолда йиллар мобайнида Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг таркибий тузилмасида муайян ўзгаришлар бўлган.

Хусусан, 1999 йилнинг июнь ойига қадар Ташкилий-инспекторлик бошқармаси таркибига Ахборот-таҳлил бўлими, Режалаштириш ва назорат қилиш бўлими ҳамда инспекция кирган.

1999 йилнинг июнь ойидан 2004 йилнинг октябрь ойига қадар Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Штаб деб қайта номланиб, унинг таркибига Ҳарбий сафарбарлик ишлари ва фуқаролар муҳофазаси бўлими, Жанговар тайёргарлик маркази киритилган.

2004 йилнинг октябрь ойида Ташкилий-инспекторлик бошқармаси таркибида Ахборот-таҳлил бўлими, Режалаштириш ва назорат қилиш бўлими, Инспекция,

<sup>4</sup> Афанасьев Д.А., Хазов Е.Н. Административно-правовая деятельность штабных подразделений органов внутренних дел. – М: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2017. – С 45.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида”ги 270-сон қарори / Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1991 й., 10-сон, 36-модда



Навбатчилик қисми ҳамда Халқаро ҳамкорлик бўлимидан иборат алоҳида тизим яратилган.

Мазкур тизим 2017 йил апрель ойига қадар фаолият юритган. Шу вақтда бошланган ислохотларда Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармасига айлантирилган<sup>6</sup>.

Янги тузилма таркибига:

- идоравий назорат, комплекс режалаштириш ва ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш функцияларини амалга оширувчи Ташкилий-инспекторлик бошқармаси;
- криминоген вазиятни комплекс таҳлил қилиш функциясини амалга оширувчи Ахборот-таҳлил бошқармаси;
- ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Навбатчилик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ва Марказий навбатчилик қисми киритилган.

Ўз навбатида, ҳудудий ички ишлар органларининг ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бошқарма (бўлим)лари билан бир қаторда илк бор туман-шаҳар ички ишлар органларида ички ишлар бўлими бошлиғининг ахборот-таҳлил бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилди.

2018 йилда ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини ташкил этишда куч ва воситалар бошқарувининг мувофиқлаштирилишини сифат жиҳатдан яхшилаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мақсадли назорат-таҳлилини таъминлаш, ички ишлар органлари фаолиятига самарали бошқарув, ахборот-таҳлил ва назорат тизимини жорий этиш мақсадида янги ислохотлар бошланди<sup>7</sup>.

Вазирлик Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси, Юридик таъминлаш бошқармаси, Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси негизида Ички ишлар вазирлигининг Ташкилий департаменти ташкил этилди ҳамда Департамент бош бошқармага тенглаштирилган Ички ишлар вазири девонини ташкил этиши белгилаб қўйилди.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб:

- криминоген вазиятни тизимли таҳлил ва прогноз қилиш, ундаги ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдириш, ички ишлар органлари фаолиятини жиноятчилик ҳолати ва унга қарши курашиш натижаларини ўрганиш асосида режалаштириш;

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сон қарори. / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.08.2018 й., 07/18/3919/1787-сон.



- ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни комплекс текшириш ва назорат қилиш, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан иш натижадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш борасидаги қарорларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- ички ишлар органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ҳуқуқий сиёсат ва назоратни ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ички ишлар органлари тизимида махфийлик тартиботига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш белгиланди.

Энг муҳими, ўтган даврда бошқарув фаолиятига “102” тизими, “Ситуацион-таҳлилий марказ” платформаси, “E-Material”, “E-Ijro”, “Мурожаатлар билан ишлаш” ахборот-маълумотлар дастурлари жорий этилди.

Бугунги кунда, Ташкилий департамент ички ишлар органлари тизимида бошқарув фаолиятни тўлақонли амалга оширувчи тузилмаган айланди. Жумладан, унинг афзалликларига:

- содир этилган жиноятларнинг кунлик ҳисобини юритиш ва уларни “иссиқ изидан” фош этиш учун энг қўйи тизимдаги куч-воситаларни тезкорлик билан бошқариш;
- криминоген вазиятни “маҳалла-туман (шаҳар)-вилоят-республика” тамойилига таяниб, кунлик, ҳафталик, ойлик мониторинг қилиш, жиноятчилик ҳолатини комплекс таҳлил қилиш;
- фуқароларнинг мурожаатларини онлайн қабул қилиш ва уларда кўтарилаётган муаммоли масалаларни ҳал этиш амалиётини онлайн кузатиш;
- бошқарув қарорларини электрон тизим орқали ижрога қаратиш ва ижро ҳолатини назорат қилиш кабилар киради.

Келгусида илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ички ишлар органлари таркибий тузилмалари фаолиятида мавжуд муаммоларнинг манзилли ечимини белгилаш, бошқарув усулларига ахборот-коммуникация технологиялари ва фан ютуқларини жорий этиш тизимда амалга оширилаётган ишларнинг янада самарали бўлишини таъминлайди.